

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУРИШ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ

*Сагиндиқов Жубатхан Науырзович.*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти ф.ф.н.*

**Аннотация.** Мақолада, бугунги кунда, бутун дунё микёсида ва бизнинг давлатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, ғояси долзарб масалалардан бири булиб турганлиги, дунёда булаётган бу ҳодисалар бизнинг давлатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани сўз этилади. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни янада яхшилашга, турли динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлашга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиётганлиги курсатилган.

Янги Ўзбекистонни кўриш жараёнида диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларнинг эътиқодидан қатъий назар миллий ғояни амалга ошириш йўлида бирлаштириш учун хизмат қилиши таъкидлаб утилади.

**Калит сузлар:** Янги Ўзбекистонни куриш, диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, динлараро, конфессиялараро зиддиятлар, виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги, динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлаш, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш

**Аннотация.** В статье говорится, что сегодня, во всем мире и в социальной жизни нашего государства, его идея является одним из актуальных вопросов религиозной толерантности, толерантности, согласия, а происходящее в мире оказывает влияние и на наше государство. В Узбекистане уделяется особое внимание сохранению социальной стабильности, дальнейшему улучшению межнациональных и межрелигиозных отношений, сохранению различных религий, дальнейшему укреплению религии и межнационального согласия.

Подчеркивается, что решение, укрепление, развитие религиозной толерантности в процессе строительства нового Узбекистана служат объединению на пути реализации национальной идеи вне зависимости от убеждений всех людей.

**Ключевые слова:** Строительство нового Узбекистана, религиозная толерантность, согласие, межрелигиозные, межконфессиональные противоречия, свобода совести и стабильность религиозно-просветительской среды, сохранение вероисповеданий, обеспечение межнационального и межрелигиозного согласия

**Annotation.** The article says that today, all over the world and in the social life of our state, his idea is one of the urgent issues of religious tolerance, tolerance, consent, and what is happening in the world has an impact on our state. Uzbekistan pays special attention to the preservation of social stability, further

improvement of interethnic and interreligious relations, preservation of various religions, further strengthening of religion and interethnic harmony.

It is emphasized that the solution, strengthening, development of religious tolerance in the process of building a new Uzbekistan serve to unite on the way to the realization of the national idea, regardless of the beliefs of all people.

**Keywords:** Construction of a new Uzbekistan, religious tolerance, harmony, interreligious, interfaith contradictions, freedom of conscience and stability of the religious and educational environment, preservation of faiths, ensuring interethnic and interreligious harmony

Мамлакатимиз ўзининг ривожланишини янги босқичга, Учинчи Ренессанс фундаменти барпо этишга, Янги Ўзбекистонни қуришга собит кадам ташламоқда.

Бугунги кунда, бутун дунё миқёсида ва бизнинг давлатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам диний бағрикенглик, толерантлик, тотувлик, ғояси долзарб масалалардан бири булиб турибди.

1995 йил 16-ноябрда (Париж) ЮНЕСКО Бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари» декларацияси қабул қилинган эди.

Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳатлар мақсади инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида, адолатли ҳимоялаш ва таъминлашдан иборат.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ҳарқил зиддиятлар кучайиб бораётган бир пайтда, динлараро, конфессиялараро зиддиятлар ҳам кескинлашмоқта.

Албатта, дунёда булаётган бу ҳодисалар бизнинг давлатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни янада яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборат болган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-699-сон 05.07.2021 йил) қабул қилинди.

2022-2026 ийларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегиясининг 5-йўналишидаги динлараро бағрикенглик ғояси муҳим аҳамиятга эга масалалар қаторида юксак даражада амалга оширилмоқда.

2019 йил 4 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-марифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарорида жамиятда виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги кафолатларини таъминлаш алоҳида таъкидланди.

Сўнги беш йилликда диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимизнинг ташқи сиёсатида муҳим йўналишга айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик, диний

эркинликни таъминлаш сингари масалаларга бағишланган «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифини билдирган эди ва ушбу резолюция аъзо давлатларнинг тўла қувватлаши асосида 2018 йил 12 декабрда қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз диний бағрикенглик соҳасида олиб бораётган сиёсатининг эътирофи сифатида 2020 йил 13-октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясидаги сайловда ўз тарийхида илик бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга 2021-2023 йилларга сайланди.

Эътироф этиш керакки, динлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича мамлакатимиз тараққиёти янги босқичида олиб борилаётган сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» (Париж, 1995 йил 16 ноябрь) ва бошқада халқаро ҳуқуқий мёърий ҳужжатларга тўла мос келади.

Мамлакатимизда ислом динининг маданий ва цивилизациян мероси, маънавий-маърифий аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига талабан сифатидаги «Янги Ўзбекистон-инсон қадри устувор булган жамиятда халқпарвар давлатдир» номли Сайловолди дастурида: «... мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, фуқораларимизни турли мафкуравий тақдидлардан, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари бундон буён ҳам устувор таризда диққатимиз марказида булади.

Бой диний ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси халқаро маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий каби илимий-маърифий марказлар имконияти кенг ишга солинади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароитлар яратишга қаратилган сиёсатимиз изчил давом эттирилади» - деб, таъкидлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги куни, Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида ҳарқил миллатлар ва динларнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан толерантлик муносабати, турли тоифадаги одамлар ва сиёсий кучлар ўртасидаги ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойили ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Диний бағрикенглик, динлараро тотувлик масаласи барча мамлакатлар каторида бизнинг Ўзбекистонимиз тинчлиги ва тараққиёти учун муҳим тамойиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашнинг зарур ҳуқуқий асослари, шарт-шароитлари яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқоролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар»,-деб белгилаб берилган.

Мамлакатимизда турли динларга мансуб қадириятларни асраб-абайлашга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоқида диққат берилмоқда.

Бу соҳада олиб барилаётган давлатимиз сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, - деган қонунга тўла жавоб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан динлараро бағрикенглик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1-7 февраль кунларини бутун жаҳонда “Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон ҳафталиги” деб эълон қилинган эди.

Шу уринда, айтиш лозимки, ислом дини турли динларга этиқод қилувчиларни бир жамятда диний бағрикенглик, динлараро ҳамкорлик тамойиллари асосида, тинч-тотув, эркин ва тенг ҳуқуқли таризда ҳаёт кечиришлари мумкинлиги ғоясини илгари суриб уни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Шуни эътироф этиш керак, бугунги куни Янги Ўзбекистонни кўриш жараёнида диний бағрикенгликнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши барча кишиларнинг эътиқодидан қатъий назар миллий ғояни амалга ошириш йўлида бирлаштириш учун хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-699-сон 05.07.2021 йил).
3. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига талабан Ш.М. Мирзиёевнинг сайловолди дастури [Текст] / Ш.М. Мирзиёев,-Тошкент: «Ўзбекистон», 2021, 48-49 б.
4. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ. 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган